Tabani GROUP OF COMPANIES

**● УШОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ ЗАМОНЛАР ● ГЎШТНИНГ БАҲОСИ НЕЧА СЎМ? ● АРЗОНУ ҚИММАТ ҚАНИ, СИФАТ ҚАНИ? ● ҲАР ҚИШЛОҚНИНГ ЎЗ ЎҒРИСИ БОР ● СОТУВЧИЛАР НЕГА МИТИНГГА ЧИҚМАЙДИЛАР? ● ИШБИЛАРМОНЛИК — ЧАЙҚОВЧИЛИК ЭМАС!**

Бу ҲОЛ МУТТАСИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА: кун сайин, соат сайин нарх-наво ошмоқда, ой сайин, ҳафта сайин ҳаёт-турмуш оғирлашмоқда...

Тўғри, бизда бозор иқтисодининг асосий шартларидан бири — эркин нарх-навога бошқа жумҳуриятлардагига нисбатан бирмунча кечроқ ўтилди. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш бўйича муҳим чора-тадбирлар кўрилди. Кундалик эҳтиёж учун энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ва ижтимоий аҳамиятга молик айрим хизмат турлари ҳақининг энг юқори даражаси чеклаб қўйилди. Ички бозорни муҳофаза қилиш мақсадида купонлар жорий этилди. Аммо шу жараёнда хато-камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Аввало, нарх-наво 4—5 баравар қимматлашгани ҳолда маошлар бор-йўғи 2—2,5 бараварга оширилди. Боз устига, улар қимматчилик авжига чиққанидан анча кейин тўланди. Болалар учун тайинланган товон ва ёрдам пули, чақалоқ туғилганда бериладиган суюнчи пули эса аввалги даражасида қолиб кетди. Белгиланган тадбирларнинг ўз вақтидаги ижроси етарли назорат қилинмади.

# БУГУН БОЗОРГА ЎХШАЙДИ...

## *ЁХУД БОЗОР ИҚТИСОДИ БАҲОНАСИДА АВЖ ОЛАЁТГАН АЙРИМ ИЛЛАТЛАР ҲАҚИДА*

Апрелга келиб нарх-наво янада болалади. Жумҳурият раҳбарияти ноиложликдан асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларига чекланган чакана нархлар жорий этишга, белгилаб қўйилган даромад оладиган кишиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини 70 фоизга кўпайтиришга мажбур бўлди. Бироқ бу вазиятни барқарорлаштириш имконини бермаяпти. Бозор иқтисоди ўз ишини қилмоқда. Эркин нарх-наво деган бало оддий халқнинг тинкамадорини қуритмоқда. Ҳозир кўпчилик учун оддий уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, оёқ кийими сотиб олиш ҳам муаммога айланмоқда. Машина, мебель, уй-жой, қурилиш материаллари харид қилиш, туя ҳаммомни беҳуда орзу қилганидек, осонликча ушалмас армон бўлиб қолмоқда. Эски автомобиль, радио-телевизор ёки совутгични таъмирлаш, бузуғини тузатиш, ушовидан тушови қиммат деганларидек, уларнинг асл нархидан икки-уч марта қимматга тушмоқда.

Булар-ку, майли, инсон гиламсиз, машинасиз, радио-телевизорсиз яшаши мумкин. Аммо эндиликда оила боқиш, қорин тўйдириш ҳам кун сайин қийинлашмоқда. Мисол учун, уйдан ташқарида — кўча-кўйда овқатланиш муаммосини олайлик. Унча-мунча одам йўлай олмайдиган кооператив тамаддихоналардаги, ресторану барлардаги эмас, умумовқатланиш тармоқларига қарашли оддий ошхоналардаги нархномаларга назар ташлайлик. Ҳозир Тошкент ошхоналарида бир коса лағмон 14—15 сўмдан, чучвара 15—16 сўмдан, бир сих кабоб 11—12 сўмдан, гумманинг донаси камида 1,5—2 сўмдан сотилмоқда. Сабабини суриштирсангиз, ошпазларнинг жавоблари нақд: «Бўлгани шу. Бизга ҳам гўштни, ёғни, унни, сабзавот маҳсулотларини — барча масаллиқларни қимматига беришаяпти!»

Бу гапни инкор этолмаймиз. Масаллиқлар қимматлиги рост. Масалан, биринчи категорияли барча турдаги гўштнинг биринчи навининг ҳар килоси 45 сўмдан. Лекин умумовқатланиш тармоқлари ходимлари уни тегишли жойдан олиб, таомларга ишлатиб то хўрандаларга етказиб бергунларига қадар сарфланган меҳнат ва харажатларни — «наложение»ни қўшиб ҳисобласангиз, бу қиймат роппа-роса 2,4 ҳиссага ошади. Аниқроғи, бир кило гўштнинг баҳоси 107 сўм 20 тийинга чиқиб кетади. Бошқа масаллиқлар хусусида ҳам худди шунга ўхшаш фикр билдириш мумкин.

Бинобарин, таомлар қимматлиги учун фақат ошхоналар ходимларини айбласак, адолатдан бўлмайди. Бироқ сифат масаласидачи? Ахир, қиймат сифатга монанд бўлиши шарт-ку. Хўранда тўлаган пулига яраша тўйиб овқатланиши лозим-ку. У ҳолда нега таомларнинг мазаси йўқ? Нега тўйимлилик даражаси паст?

Афсуски, бу саволларга тайинли жавоб тополмайсиз. Негаки, ҳозир тартиб-қоида, назорат йўқлиги, қонунлар ишламаётганлиги туфайли деярли барча соҳаларда ўзбошимчалик, бошбошдоқлик одат тусига кириб қолган. Ҳа, десангиз, ҳаммасига дарҳол бозор иқтисодини балогардон қилишади. Бунинг жабрини эса оддий халқ тортаяпти. Шусиз ҳам ночор яшаб келаётган оилалар баттар қашшоқлашаяпти. Қашшоқлик эса, биласиз, ҳеч қачон инсонни эзгуликка ундамайди, аксинча, моддий ва маънавий кулфат сари етаклайди, разолат ва жаҳолат ботқоғига ботиради. Буни қимматчилик ва тақчиллик оқибатида ҳозир жумҳуриятимизда рўй бераётган нохушликлар ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, қонунбузарлик ва жиноятчилик кўпайди. Айниқса, давлат ва жамоат бойлигини ўғирлаш, фуқароларнинг шахсий мол-мулкини ўмариш, одамларни тунаш, чайқовчилик урчиб кетди. Энг ачинарлиси, бундай жиноятлар мусулмончилик, ўзаро меҳр-оқибат бирмунча сақланиб қолган қишлоқ-маҳаллаларга ҳам кириб бормоқда.

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ҚАЧОН ҚИШЛОҚҚА БОРМАЙ, албатта, икки-учта совуқ хабар эшитаман: «Фалончининг молини оғилхонасидан ёки даладан ўғирлаб кетишибди. Пистончининг кўчада турган мотоцикли ёки велосипеди йўқолиб қолибди...» Давомини айтсам, балки, ишонмай ёқа ушларсиз. Сўнгги 1—2 йилликда антиқа ўғрилар пайдо бўлишди. Улар одамларнинг янги иморатига қуриб қўйган эшик-деразасини кўчириб олишдан, ҳатто, пишиб турган мевасини дарахти шохидан узиб кетишдан ёхуд омборхонасидан ўмаришдан ҳам қайтмаяптилар.

Ҳолбуки, қишлоқ аҳли бир-бирини яхши танийди, яхши билади. Бегона, шубҳали одам кўча ораласа, дарров ҳушёр тортади. Бундай шароитда ҳар ким ҳам четдан келиб ўғирлик қилишга ботина олмайди. Қолаверса, одамларнинг молхонаси-ю омборхонаси қаердалигини, томорқасида нима борлигини билмайди. Мантиқан олганда, ўғрилар, жилла қурса, уларнинг шериклари албатта шу ерда яшовчилардан бўлиб чиқади. Улар тунда ҳамқишлоқларининг мол-мулкини гумдон қиладилар, саҳарда эса эл қатори тўй-маъракага бориб, ўша ҳаром қўллари билан бошқаларга қўшилиб ош ейдилар.

Мен ҳозир бир кеча-кундузда жумҳуриятимизда қанча ўғирлик рўй бераётганини башорат қила олмайман. Фақат бир далилни келтира оламан: ўтган йили 24668 та жиноят очилмай қолган. Шундан 4474 таси давлат ва жамоат, 13972 таси фуқароларнинг шахсий мол-мулкини ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлардир. Булар фақат расмий-юридик ҳужжатларда қайд этилганлари. Жабрланувчилар тегишли органларга мурожаат этмаганлари-ю, рўйхатга олинмаганлари қанча? Бунисини билмадим. Аммо ошкора халқ ҳисобига кун кўрувчилар ҳам кўпайиб кетгани аниқ. Масалан, жумҳуриятимизда кооперативлар очишга қандай мақсадда рухсат берилганди? Шубҳасиз, давлат ишлаб чиқаришига ёрдам беришлари, ўзлари маҳсулот тайёрлаб сотишлари учун. Улар-чи? Нима қилишаяпти? Аксарияти корхоналар билан истеъмолчилар ўртасидаги даллолларга айланиб қолган. Ишлаб чиқарувчидан тайёр маҳсулотни арзонгаровга олиб, харидорларга 5—6 баравар қимматга сотмоқдалар. Гўё давлат миқёсида қонун йўли билан олибсотарликка йўл қўйиб берилганга ўхшайди. Бу жиҳатдан, айниқса, нафси ҳакалак отган айрим савдо ходимларининг, қассоб ва чайқовчиларнинг дови юришган.

Мен ҳамиша бир нарсадан ҳайратга тушаман. Эҳтимол, эътибор берган бўлсангиз, сиз ҳам сезгандирсиз: биз кўпинча бозор нарх-навосидан нолиймиз, деҳқонларни қимматфурушликда айблаймиз. Аслида-чи? Бола-чақаси билан йил бўйи заҳмат чекиб, ҳалол пешона тери эвазига ноз-неъмат етиштирган деҳқон мудом эл-юртга қараб иш юритади. Маҳсулотининг энг сарасини бозорга олиб чиқади, уни шу ердаги нарх-навога қараб сотади. Мабодо, илтимос қилсангиз, арзонроққа ҳам бериб юбораверади. Энг муҳими, у ҳеч қачон харидорнинг ҳақига хиёнат қилмайди, посонгини ўз фойдасига ишлатмайди. Бундан ташқари, олган маҳсулотингизнинг устига озгина қўшиб ҳам беради.

Хўш, чайқовчи, савдо ходими ёки гўшт дўконида ишловчи қассоб-чи? Хомтама бўлманг, улар икки дунёда ҳам сизга ён босмайдилар. Аксинча, бор маҳоратларини ишга солиб, алдаш пайида бўладилар. Бири вақти зиқ деҳқондан ёки дўкондан кўтарасига сотиб олган «маҳсулоти»га отасининг нархини қўйиб, тийин-тийинигача қайишиб сотса, иккинчиси ҳам пулингиздан, ҳам тарозидан уришни мўлжаллаб туради. Учинчиси эса гўштга ўзи истаганча суяк қўшиб беради. Борди-ю, гўшт навларга ажратилиб, лахмлиси алоҳида, суяклиси алоҳида сотилиши лозим, деб сал эътироз билдирсангиз, сизга катта кўчани кўрсатиб қўяди.

ЭСИНГИЗДАМИ, БИР ВАҚТЛАР САВДО ХОДИМЛАРИ энг кам ойлик оладиганлар тоифасига кирардилар. Шу боис боғчаларда тарбияланаётган фарзандларига пул тўлашдан озод қилингандилар. Уларнинг маошлари ҳозир ҳам бошқаларникидан ортиқ эмас. Лекин шунга қарамай, сиз савдо ходимларининг ойликлари камлиги учун иш ташлаш эълон қилиб, митингга чиққанларини кўрганмисиз? Лоақал, бирорта дўкончининг шу ҳақдаги шикоятини матбуотда ўқиб, радио-телевидение орқали эшитганмисиз? Менимча, йўқ! Қолаверса, ҳозиргача бошқалардан ночорроқ яшаётган савдо ходимини учратганимиз ҳам йўқ. Аксариятининг тагида машина, туриш-турмуши ўзига хос. Егани олдида, емагани кетида. Шундай бўлгач, қорни тўқ, усти бут одам норозилик билдирадими? Назаримда, давлатнинг ўзи уларга «Биз сенга кам ойлик белгиладик. Қолганини ўзинг уддалаб олаверасан», деб йўл қўйиб бергандай. «Йўлини топиб уддалаш» эса, табиийки, халқ ҳисобига бўлади. Эгриқўл сотувчи ҳамиша харидор ҳақига хиёнат қилиш, мўмай бойлик орттириш билан шуғулланади. Ҳеч бўлмаганда, камёб молни пештахта остига яшириб, «шапка»си билан сотади. Уддабурони бирор маҳсулот тақчиллиги, нархи ошиши ҳақида шов-шув тарқалиши биланоқ тараддудини кўради. Аввало, ўша молнинг пулини ўз ҳисобидан кассага тўлаб, керак бўлса, уйига ёки қариндош-уруғлариникига элтиб қўяди. Сўнгра вазиятга қараб, «ҳожатбарорлик» қилади. Албатта, дуч келган кишига сотмайди, биринчи навбатда таниш-билишларига, ишончли одамларига оширади.

Инсоф билан айтганда, бир жиҳатдан сотувчиларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Биринчидан, базадан харидоргир молни ундиришнинг ўзи бир муаммо. Иккинчидан, сотувчиларнинг орқаларида уларни ишга олган, шу дўконни ишониб топшириб қўйганлар бор. Яна қанчадан-қанча текширувчи бор. Вақти-вақти билан уларга ҳам «чойчақа» узатиб туриш керак. Акс ҳолда, бу соҳада ишлаш жуда мушкул.

Бу билан мен савдо ходимларининг барчасини бирдек ёмонотлиққа чиқармоқчи эмасман. Бундай дейиш адолатсизлик бўлади. Аммо, барибир, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди, ҳалол ишлайдиганлари кам, жуда кам. Агар хато гапираётган бўлсам, ана, одамлар айтсин — халқ айтсин: орамизда дўкончилардан нолимаган-ранжимаган инсон борми? Буниси даргумон. Аммо сунъий тақчиллик юзага келишига, чайқовчилик авж олишига савдо ходимлари катта ҳисса қўшаётганликлари ҳаммага аён. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Яширилган молни майдалаб сотиш анча хавфли. Харидорларни билиб бўлмайди. Бирортаси халқ назоратчиси, милиция ходими ёки улар ёллаган одам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қўлга тушиб қолса, қамалиб кетиши ёки топган пули арра бўлиши тайин. Сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасликнинг энг ишончли йўлларидан бири камёб молни «Сиздан угина, биздан бугина» қабилида бир йўла чайқовчига оширишдан иборат. Шундай қилса, сотувчи ҳам хавотирдан қутилади, ҳам ортиқча меҳнату вақтдан ютади. Унинг бу тадбиркорлиги олибсотарга ҳам қўл келади. Чайқовчи игнаниям 3—4 бараварига пуллайди.

Ана шундай хуфёна ҳамкорликлар оқибатида жумҳуриятимиздаги маҳсулотларни четга олиб чиқиб кетишга қарши курашилаётгани, купонлар жорий этилганига қарамай, очиқ савдода маҳсулот кўпаймаяпти. Энг даҳшатлиси, нарх-наво осмонга ўрлагани сайин чайқовчилик оммавий тус олаяпти. Турли касбдаги, турли ёшдаги кишиларнинг оддий турмуш тарзига айланиб бораяпти. Бундай дейишимнинг боиси — кейинги вақтларда ишхоналарда, меҳмонхоналарда, маҳалла-кўйларда олибсотарлар кўпайиб кетди. Ҳатто, уйма-уй юриб кийим-кечак, чойнак-пиёла, турли буюмлар сотадиганлар ҳам пайдо бўлиб қолишди. Улар ўзларини асло чайқовчи деб ҳисобламайдилар, ишбилармон, тижоратчи деб биладилар. Таажжуб, ўзлари маҳсулот ишлаб чиқармасалар ёки бизда йўқ молни узоқ ўлкалардан заҳмат чекиб топиб келмасалар, бу қанақа ишбилармонлик? Дўконлардаги молларни ўз қўлларида тўплаб олиб, сунъий тақчиллик яратсалар, 5—10 баравар фойдасига сотсалар, бу қанақа тижорат? Менимча, улар ўз қилмишлари билан фақат халқимизни шилиб, мўмай даромад орттираётганлари йўқ, айни чоғда ҳақиқий ишбилармону тижоратчиларнинг шаънларига ҳам доғ туширмоқдалар.

АСЛИДА ҲАММАСИГА ЎЗИМИЗ айбдормиз. Юлғич сотувчини, инсофсиз чайқовчини кўра-била туриб индамаймиз. Одамгарчиликка бориб, юзхотир қиламиз. Бирорта тақчил молни кўрсак, нархини сўрамай, қимматлигига қарамай, топилганига шукур қилиб олиб кетаверамиз. Бу биринчидан. Иккинчидан, қонун посбонларию мутасаддилар ҳам бу иллатларга қарши кескин курашмаяптилар. Кўпинча бир-бирингни алдайсанми, шиласанми, ишқилиб, кунингни кўравер, муҳими, бизни безовта қилмасанг бас, дегандай томошабин бўлиб қолмоқдалар. Ўтказилаётган текширишларнинг баъзилари эса тескари натижа бермоқда. Чунончи, бундан бир неча ой муқаддам ички ишлар бўлимлари сигаретфурушларга қарши кескин кураш бошлагандилар. Самараси қандай бўлди? Дўконларда тамаки маҳсулотлари кўпайдими? Асло! Қайтага уларни қўлдан топиш ҳам амримаҳол бўлиб қолди. Бори ҳам 10—12 сўмдан 18—20 сўмга чиқиб кетди.

Яқинда кашандаларга «холис хизмат» кўрсатаётган бир талаба йигит билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб қолдим. Ўзининг эътироф этишича, у уддабуронлиги туфайли йил бошида таниш дўкончидан аллақанча «Опал» сигаретининг ҳар қутисини 7 сўмдан сотиб олиб, ғамлаб қўйган экан. Шу боис эндиликда қийналмаётган экан. Айниқса, кечаги байрам арафасида «бозори» юришибди. 500 қути сигаретни 20 сўмдан пуллаб, роппа-роса 6500 сўм «соф фойда» кўрибди. Бир кунда шунча «даромад» қилган талабанинг миясига ўқиш кирадими-йўқми, буёғи қоронғу, аммо менга ўхшаган оддий журналист бунча маблағга эга бўлиши учун емай-ичмай камида 8 ой меҳнат қилиши лозим.

Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ҳоллар ҳуқуқ-тартибот органлари суст ишлаётганидан, иллатнинг манбаларини очишга интилмаётганидан далолат беради. Чунки олибсотарни ушлаб жазолашнинг ўзи билан чайқовчиликка барҳам бериб бўлмайди. Унинг туб илдизи савдо базалари ва дўконларга бориб тақалади. Агар милиция ҳақ-ҳуқуқини сўраб чиққан талабаларга қарши ташлаган кучининг лоақал юздан бирини ўғирлик ва чайқовчиликни фош этишга сарфлаганда, эл олқишига қоларди. Бундан ташқари, бизда ўғриларга, талончиларга ва чайқовчиларга нисбатан қатъий жазонинг ўзи йўқ. Айтайлик, майда ўғрилик танҳо киши томонидан илк бор содир этилса, у, нари борса, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Бўлмаса, икки йиллик мажбурий хизматга жалб қилинади ёки 300 сўмдан 1000 сўмгача жарима ундирилади. Чайқовчиларга бериладиган жазо ҳам енгил. Улар асосан жарима тўлаш билан қутулиб кетадилар. Сўнгра бу пулни бир соатга қолмай чиқариб оладилар. Зеро, эндиликда қонунларимизни, жиноят кодексларимизни қайта кўриб чиқмай, жазони кучайтирмай туриб, юқоридаги каби иллатларга қарши самарали курашиб бўлмайди. Ҳозир бу ҳақда кўп гапирилаяпти, ёзилаяпти, бироқ амалда ўзгариш сезилмаяпти.

ҚИЙИН-ҚИЙИН, ЎРТАДА ОДДИЙ халққа қийин. Кўпчилик «Начора! Замон шунақа!» деб тақдирга тан бермоқда. Баъзиларда хавотир-ҳадик кучаймоқда, эртанги кунга ишонч-умид сўнмоқда. Темир эшиклар, темир панжаралар кўпаймоқда. Янада ачинарлиси, орамизда тушкунликка берилганлар ҳам учрамоқда. Ишонмасангиз, мана далил: Тошкентдаги 17-шифохонада руҳан эзилганларни даволайдиган алоҳида бўлим очилди. Худди шулар боис, гарчи қуруқ гап қулоққа ёқмаса-да, ўзига тўқ, ҳаёти тўкис баъзи кишилар матбуот, радио-телевидение орқали халқни сабр-тоқатли бўлишга чақираяптилар. Оғир кунлар ўтиб кетишини бот-бот уқтираяптилар.

Ноумид шайтон, дейдилар. Зора, шундай бўлса! Шояд, бозор иқтисоди, эркин нарх-наво деганлари яккаш тақчиллик, қимматчилик, қашшоқлик эмаслигини, айни чоғда мўл-кўлчилик, арзончилик, фаровонлик омили ҳам эканлигини тезроқ кўрсак!..

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

---

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Бобомурод ДАМИНОВ

# ҚОЧ МУШТ, ДЕМОКРАТИЯ КЕЛЯПТИ

ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ тарихи энг қадимги даврларга бориб тақалади. Оқсоч тарих бизнинг ибтидоий демократия-ю, бутун-бутун қитъаларга довруғимиз кетган даврларимизгача гувоҳ. Неча-неча йирик давлатлар гоҳ тузилиб, гоҳ парчаланиб, тақдир ўйини туфайли увол-савобимиз қизил империя ихтиёрига ўтиб қолишгача бўлган машаққатли оғир йўлни босиб ўтдик. Жафокаш ва мард халқимиз тарих ўйинининг катта-кичик синовларига кўп дуч келган ва ҳаммасига дош бериб ўзлигича қолаверган.

Демократ сифатида эса ёшмиз. Биз тарихнинг тез ўзгарувчан даврида яшаяпмиз. Бугунги гап эртага тўғри келмаётир. Баъзан саноқли кунлар ичида бутун бир асрга тенг воқеалар содир бўлмоқда. Дипломатларимиз тез-тез ўзгараётган концепцияларини қайта кўриш билан банд, сиёсатчиларимиз эса вазиятни дурустроқ таҳлил қилишга гоҳ улгуриб, гоҳ улгуришолмай қолмоқда. Сайёрамиздаги умумий сиёсий муҳит яхшиликка томон ўзгараяпти. Тўғри, баъзан катта-кичик тебранишлар, сакрашлар, ҳатто, очиқдан-очиқ қизил империяни қайта тиклаш, куч ишлатишга чақириқларгача бўлаяпти-ю (улар орқасида реал кучлар турганлигини ҳам унутмайлик), ҳар ҳолда шукурки, дунё сиёсати соғлом издан кетаяпти.

Бир вақтлари тилга олиб бўлмайдиган нарсалар энди сирлигини йўқотаётир. Халқлар орасидаги масофалар яқинлашиб, улар бир-бирларини яқиндан тушунадиган бўлиб қолишди. Қайта қуриш тоталитар тузумнинг метин қўрғонларини ларзага солиб, пўлат дарвозалар чок-чокидан сўкилди. Бироқ, ҳали мажақлаб улгуролмадик. Амалпарастлар замон зайлига мослашиб «демократлашиб» олишди. Баъзан тактик чекинишларга боришиб, пайти келганида ҳужумга ҳам ўтишаяпти. Улар қандай қилиб жон асрашни билишади. Ҳақиқий демократларнинг иши эса астойдил юришмаяпти. Бошимиздан Фарғона, Қўқон, Паркент воқеалари кечди. Ўш, Ўзган, қонли фожиаларининг гувоҳи бўлдик. Қарийб ҳаммаси сиёсий турткилардан бошланди. Буларнинг биронтаси ҳам тасодифий воқеа эмас. Тагида узоққа мўлжалланган макорлик ётибди. Сабабларини, ташкилотчиларини аниқлаш учун не-не давлат комиссиялари тузилди-ю, шу кўйи нафаси чиқмай кетди. Жиноятчилар эса мийиқларида жилмайишиб, омон қолишаверди. Халқ бағридаги дард ҳамон қонталаш турибди. Жиноятчилар очилмай ёпиқ қозон ёпиқлигича қолди-ю, ҳукуматимиз маънавий жиҳатдан ютқазди, кишиларнинг адолатга бўлган ишончига доғ тушди.

Яна бир кўнгилсиз воқеа 16—17 январь кунлари Тошкентнинг талабалар шаҳарчасида содир бўлди. Бу воқеанинг тафсилоти ҳақида кўп ўткир мақолалар ёзилди, ҳали кўп ёзилади. Мени эса масаланинг тафсилоти эмас, бошқа томони қизиқтиради. Маълумки, можаро иқтисодий талаблардан бошланди. Кейин сиёсий талабларга ўтилди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Бу биз учун янгилик ҳам эмас. Аксари воқеалар ривожи доим шундай бошланган.

Маълумки, талабаларнинг иқтисодий талабларида асос бор эди. Йўл қўйилган хато, ҳақсизликлардан кейин шундай талаблар билан чиқишга улар ҳақли эди. Агар бизнинг маъмурият, савдо, таъминот органларимиз жойларда нималар бўлаётганини, кишиларнинг талаб, эътирозлари қанчалик ўринли ёки ўринсизлигини, бу ишларга мутасадди кишиларнинг ўз бурчларини қандай бажараётганларини билишиб, тегишли тадбирларни ўз вақтида кўришганида, аминмизки, талабалар шаҳарчасидаги воқеалар умуман содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Биз эса воқеани олдиндан кўра билмай, фақат воқеалар гувоҳи бўлдик, холос.

Умуман, раҳбарлик доирасига кириб олдикми, бўлди, ўзимизни халқ устида турган алоҳида табақа ҳисоблаб, дарҳол оддий кишилардан узоқлашиб қоламиз. Эски касаллик ҳамон яшаяпти. Кишиларнинг аҳволини билмаймиз, арз-додларини тингламаймиз, эл ичида аралашиб юриб бағрига киролмаймиз. Ўз халқимиздан ҳадиксираймиз.

Савдо, маиший таъминот ташкилотларидаги пихини ёрган юлғичлар эса бизнинг нўноқлигимиздан усталик билан фойдаланишади. Улар учун миллионлар билан ўйнаш оз. Улар эркин баҳонинг оғир кунларида оиласини тебрата олмай оёғи куйган товуқдай чопиб юрган, маош, нафақа ҳисобига кун кўраётган бечораларни шилиб, янги-янги миллионларни қўлга киритсалар бас. Бозор сиёсати баҳона-ю, ўз ҳолига қўйилган юлғичлар эркинлиги кишиларда нафрат ҳиссини қўзғаяпти. Хўш, республика бўйича нечта юлғич жавобгарликка тортилди? Тортилдими ўзи? Қаттиққўллик мана қаерда керак. Дарҳол тартибга тушиб қолишарди. Агар ҳукуматимиз эл осойишталигини, тинчлигини истайдиган бўлса, аввало, иймон, диёнатини унутган юлғичларни жиловлаш, инсофга келтириш тадбирларини кўриши керак.

АФСУСКИ, ҚОНУН, ФАРМОНЛАР ижросини тафтиш, назорат қилиш йўқ. Қонунларимиз жонсиз, ижросиз, ҳавода муаллақ туриб қолаётир. Қонунчиликни ижро қиладиган органларимизнинг ўзлари ҳали тўла покланиб улгура олганлари йўқ.

Болтиқбўйи республикалари нимага эришган бўлса ҳаммасига демократик кураш воситалари билан эришди. Миршаблар муштларини дўлайтириб юришмади. 9 февраль куни Москвада бирдан икки майдонда — Свобода ва Манежда бир-бирига зид кучлар намойиши бўлиб ўтди. Манеж майдонида Россия Президенти Борис Ельцин номига қанақа таъна тошлари отилмади. Чет элларда бунақа воқеалар озми?

Ҳаммасига бардош беришди. Бизнинг давлат арбобларимизда бор иззат-нафс уларда йўқми? Нега куч ишлатишмади? Бизда бор куч уларда йўқмиди? Ва, ниҳоят, куч ишлатиш бу бизнинг кучли томонимизми ёки заифлигимиз белгисими?

Шахс эркинлиги ҳақидаги қонунларимизга нима бўлди? Демократиямиз инъом этган эркимизни, қонунларимизни кимлар топтаяпти? Бўлиб ўтган зўравонликлардан кейин бизни демократлар деса бўладими? Демократлар даражасига ўсиб илғайдикми? Бироқ, фактлар шуни кўрсатадики, биз ҳозирча чала демократлармиз. Пастдан ҳам, юқоридан ҳам демократик нормаларга амал қилмаяпмиз. Демократияга кўника олмаяпмиз. Биз ҳали ўз ҳуқуқларимизни дуруст билмаймиз. Бизда демократия нормаларига қатъий амал қилган ҳолда кураш олиб бориш қоидаларини эгаллаш санъати етишмаяпти. Миллий онгимиз ҳали заиф. Зиёлиларимиз анча илгарилаб кетгани билан халқ миқёсида катта гапиролмаймиз. Бошимизга битта тушириб: «Сен қул эдинг ва абадий шундай қолишинг керак!» — дейишса, «тақдир шу экан», деб мутелик йўлига тушиб кетадиганларимиз ҳам етарлик. Энг ачинарлиси шундаки, бизда халқимизнинг миллий онгини улғайтирувчи ҳаракатлар кам. Бу ишни қиладиганларнинг аксари мансаб зиналаридан учиб кетмаслик учун ўз дардлари билан овора. Мансаб учун энг қабиҳ пасткашликларга тайёрмиз. «Бу лавозимга мендан кўра Тошмат муносиброқ», деб мардлик қиладиганлар топилармикан? Миллат, халқ манфаатлари мардликни талаб қилади. Лавозимларни эгаллашда кишилардаги инсоний фазилатлар ҳал қилувчи роль ўйнаганида демократиямиз лат емайди.

Миллий онг заифлигиданми, бўлар-бўлмасга «ур!» деб жар солишга тушамиз. Нимани, кимни, нега уриш керак — бу ҳақда бош қотирмаймиз. Биз баъзан бурғага ўчакишиб жандасига ўт қўйган қашшоққа ўхшаймиз. Нон дўконларини ёқамиз, кечагина ўзимиз овқатланиб ўтирган ошхонани қақшатамиз. Тошларни ишга солиб деразаларни чилпарчин қиламиз. Биноларда не гуноҳ? Воажаб, демократия деганимиз шуми? Бу одатдаги ибтидоий ваҳшийлик-ку, ахир!

ХЎШ, ФУҚАРОЛАРИМИЗ демократлар эмас экан, маъмурият, ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қиладиган катталаримиз-чи? Улар демократия маданиятини эгаллашганми? Афсуски, йўқ. Демократияни остин-устин қилишга эса доим тайёрмиз. Бирон жойда тўртта киши йиғилса бас, тепамизда қуролланган саккизта миршаб тайёр турар. Буни биз «тартибни сақлаш» учун жон куйдириш деб ҳисоблаймиз. Столипин ислоҳлари-ю, «аракчеевшина», қизил диктатуранинг мамлакат бўйлаб жорий этган казарма сиёсатигача «мамлакатда тартиб ўрнатиш» ниқоби билан бошланмаганмиди?

Куч ишлатиш, қон тўкиш — бу демократия эмас, қулчиликка, мутеликка олиб борадиган воситалар, холос. Тарихимизнинг айрим босқичларида ҳаммасига чидаганмиз. Энди чидолмаймиз. Куч ишлатиш сиёсати энди кутилмаган бошқача натижаларга олиб келиши мумкин.

Биз ўзимизни демократлар деб ҳисоблаймизу, аслида қизил империянинг диктат тартибидан воз кечолганимиз йўқ. Биз ҳамон куч ишлатишни «тартибни сақлаш»нинг энг афзал усули деб ҳисоблаймиз. Бизни бир имо-ишора билан нафасини чиқармай жой-жойида қотириб қўйишнинг хумори тутади.

Мақола бошида биз демократлар сифатида ёшмиз, дедик. Аммо абадий ёш бўлиб қололмаймиз. Ёшлигида уни мажруҳлантирмай улғайтиришимиз зарур. Улғайиш... бу асос бўлса-бўлмаса кўчага намойиш қилишга чиқ, деган сўз эмас. Аксинча биз демократиямиз билан ўйнашишни бас қилайлик, демоқчимиз. Ибтидоий «ура-ура»лар бизга шараф келтирмаганидек, тўртта киши йиғилган жойда чўқморини гала-гала қилиб турадиган миршаблар ҳам демократиямизни безамайди. Энди аксинча, кишиларнинг нафс-иззатига тегиб, ўз қилмишлари билан тартибсизликларни келтириб чиқарадиган зўравонларнинг баҳридан кечмоқ керак.

ТАБИИЙ, ҲАР БИР одил ҳукумат ўз халқининг ишончини қозонгиси келади, фуқароларининг тинчлигини, осойишталигини истайди. Бунга миршаблар мушти билан эришиб бўлмайди. Вақтинча эришилганида ҳам порох солинган бочкага ўхшайди ва кутилмаган турткидан портлаб кетиши мумкин. Портламаслиги учун адолат ҳукми керак. Фақат адолатгина ҳаммасига малҳам. Халқ ва ҳукумат ўртасидаги ҳамоҳангликнинг бузилиши сабабларини одилона аниқлаб, кўнгилсиз воқеаларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлганларнинг ким бўлишидан қатъи назар жазосини бермоқ керак.

Адолатни, демократияни талаб қилиш билан бирга унга муносиб бўлишни ҳам ўрганайлик!

---

# ХОМ ЎРИЛГАН АРПА

Афтидан шунақага ўхшайди: мусулмонлар ўрис ахборот воситаларининг арпаларини хом ўрган кўринадилар. Бўлмаса, Ўрта Осиё давлатларининг чет мамлакатлар, хусусан, Туркия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон билан алоқалари хусусида гапирганда албатта, заҳарханда билан гапиришларини қандай тушуниш керак?

«Известия» газетаси шу йил 30 апрель сонида Туркия республикаси бош вазири Сулаймон Демирэлнинг Ўрта Осиё республикаларига қилган сафарини «Туркия бош вазири Ўрта Осиёни сўм ёйилмасидан чиқишга даъват этди», деган диққатни тортувчи сарлавҳа остида ёритди. Мақола муаллифи бош вазирнинг ушбу сафарини одатдаги «одоб юзасидан қилинган сафар» доирасидан чиқиб, Ҳамдўстликнинг мазкур қисмида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан узоққа мўлжалланган оқибатларга олиб келиши мумкин деб баҳолади. Ушбу заҳархандага кўз юмиб, «майли, бу ҳам бир фикр, қизишмаслик керак», дея мақолани ўқишда давом этасиз ва бош вазирнинг Ўзбекистонга ваъда қилган 500 миллион доллари назарда тутилиб, «Афтидан Демирэлнинг Ўрта Осиё сафари пайтида қолган нуқталарга ҳам «ҳайитлик» бериши давом этади» дея ёзилган сўзларнинг замиридаги пичинг одамнинг ғашига тегмасдан иложи йўқ.

«Туркия бош вазири Бишкекда журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб қилган баёноти ҳақида эса мутахассислар ҳали кўп бош қотиришлари керак, — деб ёзади газета ва бош вазирнинг сўзини келтиради: «Совет империяси мустақил республикаларни сўм ҳукмронлиги остида қолдириб, ўзи йиқилди, — деди С. Демирэл. Биз бу одамлар учун янги дунё барпо этишга ҳаракат қиламиз ва ўйлаймизки, шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳам уларга ёрдам беришлари керак».

Муаллиф ушбу баёнотни «дипломатик қобиққа ўралган «хапдори» деб баҳолайди.

Албатта, жаҳонда юз бераётган воқеа-ходисаларга муносабат билдириш, бу ҳақда ўз фикрини айтиш яхши (Мавриди келганда шуни айтиш лозимки, ўзбек журналистлари, матбуоти учун жаҳон, жумладан, ўрис журналистларидаги ана шу фазилат етишмайди. Биз ҳали ҳам юз бераётган воқеалар, ҳукумат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари ҳақида ёзганда, журналистнинг фикрини мутлақо сезмаймиз. Бу борадаги хабарлар ўта қуруқ, ўта расмий бўлади). Аммо бизни бошқа бир нарса, Ўрта Осиё республикаларида юз бераётган воқеалар москвалик журналистлар томонидан қандайдир ички бир ғайирлик билан қабул қилинаётгани ажаблантиради. Наинки, ажаблантиради, балки ғазаблантиради.

Агар муаллиф бизга ростдан ҳам хайрихоҳ бўлганда эди, С. Демирэлнинг Ўзбекистонга сафарини тўғрилик билан, самимий, пичинг ва заҳархандаларсиз ёритган бўларди. Хўш, Туркия Ўзбекистонга 500 миллион доллар ваъда қилган бўлса, бундан Россия ёки мақола муаллифи камбағал бўлиб қоладими?? Ахир, Америка Россияга оз эмас, кўп эмас, 4 миллиард доллар атрофида пул ажратгани учун ёки бўлмаса, Россиянинг бошқа мамлакатлардан олаётган моддий ёрдамлари ҳақида биз пичинг қилаётганимиз йўқ-ку? Умуман, Россияни билмадим-у лекин Ўзбекистон Туркия ёки бошқа давлатлардан ёрдам олмоқчи бўлаётган экан, қарзга олади. Олмоқнинг бермоғи ҳам бор.

Россия матбуотининг «мусулмон давлатлар», «Ўрта Осиё мусулмонлари» каби ибораларни турли сўз бирикмаларида ҳуда-беҳуда қўллайверишларидан бошқа бир, «ўзбеклар иши»га ўхшаш мақсадлари ҳам йўқ эмас. Улар «ислом фундаменталистлари» деб ёзарканлар, мақсад мусулмонларни ислом динини маҳкам ушлаган кишилар дейиш эмас, балки «ислом мутаассиблари», деган ҳақоратни айтишдир. Агар кузатган бўлсангиз, аксаран ўрис сиёсатдонлари, журналистлари мусулмон республикалари ижтимоий-сиёсий ҳаётига баҳо беришда асосан юқоридаги мақсаддан келиб чиқишади. Шу мавзуда ёзилган ҳар бир мақоланинг замирида бу мақсад қизил ип бўлиб ўтади. Бўлмаса, собиқ иттифоқдош республикаларнинг «сўм ҳокимияти» остида эзилиб ётгани, иқтисодиёт кундан-кунга яхшиланиш ўрнига, тобора жарлик сари бораётгани ўша москваликларга ҳам кундай равшан-ку! Ростдан ҳам, совет империяси тутдай тўкилган бўлса-да, лекин унинг иқтисодий режими — пул сиёсати тўхтовсиз ишлаб турибди. Агарки, республикалар ўз миллий пулини жорий этмас эканлар, бу режимдан узоқ вақт қутулиш қийин. Пул эса, наинки, иқтисодий омил, балки сиёсат ҳамдир. Бугун Россиянинг пул ишлаб чиқарадиган дастгоҳлари тўхтовсиз айланиб турган экан, ва биз ана шу дастгоҳга қарам эканмиз, истаймизми-йўқми бизнинг мустақиллигимиз қоғозда тураверади. Миллий пулсиз, миллий армиясиз мустақиллик йўқ.

«Известия»нинг мухбири буларни жуда яхши тушунади ва тушунгани учун ҳам у собиқ мустамлака республикаларнинг мустақил бўлишидан манфаатдор эмас. Шу боис у мусулмонлар ҳақида турли пичинглар қилади, заҳарханда билан гапиради.

Тўғри, биз уларни тушунамиз. Истилочилик туйғуси нафақат партия ва совет арбобларида, шунингдек ўрис журналистлари, ҳатто оддий ишчи ва деҳқонларда ҳам икки аср мобайнида мунтазам парвариш қилинган. Бу туйғудан бирданига халос бўлиш қийин. Лекин халос бўлмай илож йўқ. Замон бошқа. Биз ҳеч кимнинг арпасини хом ўрган эмасмиз. Пичинглар, қилвирликлар эса қинғир фикрлашнинг маҳсули, холос.

**Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ ўғли,**
**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири**

